

---

## ЙИЛ ДАВОМИДА ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАРДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН ВИЛОЯТИМИЗ СПОРТЧИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Бугун Фарғона шаҳридаги Ислон Каримов номидаги театр-концерт саройида бўлиб ўтган вилоят ҳокимининг ёшлар билан учрашуви доирасида йил давомида халқаро майдонларда юқори натижаларга эришган вилоятимиз спортчилари ҳам тақдирландилар.

Тадбирда вилоятимизда спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга, нуфузли мусобақаларда эришган юқори натижалари билан юртимизнинг, Фарғонанинг халқаро майдондаги шон-шуҳратини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган 54 нафар спортчига вилоят ҳокимининг ташаккурномаси ҳамда совғалари топширилди. Йиғинларда бўлиб тадбирда иштирок эта олмаган баъзи спортчиларга мукофотлар вилоят Ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаси раҳбари томонидан етказилиши белгиланди.

Бокс бўйича жаҳон чемпиони Асадхўжа Мўйдинхўжаев, жаҳон чемпионати совриндорлари Лазизбек Мулложонов ва Навбахор Ҳамидоваларга Фарғона шаҳридаги Экошаҳар ҳудудидан хонадон ажратиш сертификатлари тақдим этилди.

Мамлакатимиз тарихида илк бор камондан отиш бўйича Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритган камондан ўқ отиш бўйича Осиё кубоги соҳибаси Зиёдахон Абдусатторова, Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтган IV Пара Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этган ҳамда Париж-2024 ёзги Паралимпия ўйинлари йўлланмаси соҳибларига айланган Моҳигул Ҳамдамова, Ёрқинбек Одилов, Дилафруз Аҳмаджонова, Азизбек Абдулҳабибовларга 50 миллион сўмдан, IV Пара Осиё ўйинлари чемпионлари Иродахон Рустамова ва Шаҳинахон Йигиталиеваларга 40 миллион сўмдан пул мукофоти топширилди.

Спортнинг турли йўналишларида жорий йилда бўлиб ўтган Осиё ва жаҳон чемпионатларида, IV Пара Осиё ўйинларида совриндорлар қаторидан ўрин олган қатор спортчилар 10 миллион сўмдан 20 миллион сўмгача миқдорда пул мукофотларига эга бўлдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-12-19 22:28:30